

Давлатимиз раҳбарининг «Лазги» III халқаро рақс фестивали иштирокчиларига йўллаган табриги

Батафсил ўқинг:



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марғилон шаҳридаги «Бурҳониддин Марғинович» илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиш маросимидаги нутқи

Батафсил ўқинг:



«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» ҒОЯСИНING ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

Фарғонадаги ўзгаришлар ва ислохотлар аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

ТАШРИФ ТАФСИЛОТЛАРИ қисқа сатрларда

Йирик ижтимоий лойиҳалардан бири

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи Қўқон шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» массивида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошланди.

Янги электропоезд қатнови

Фарғона водийсида Қўқон, Наманган, Андижон ва Марғилон шаҳарларини боғловчи янги электропоезд қатнови йўлга қўйилди. Президент Шавкат Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан бирга ушбу йўналишдаги илк поездда Қўқон шаҳридан Марғилон шаҳрига келди.

Худуд иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга

Президент Шавкат Мирзиёев Қувасой шаҳридаги «Сrown Ceramic» кўшма корхонасида керамогранит плиталар ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

Ягона занжирда бирлаштирилган корхона

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифи чоғида «Кува Агростар» корхонаси фаолиятини кўздан кечирди.

Минтақа учун ноёб тажриба

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига ташрифи доирасида Кува туманида агро-вольтаика технологияси жорий этилган қишлоқ хўжалиги мажмуасини бориб кўрди.

Фаол туризм флагмени

Президент Шавкат Мирзиёев Кува туманидаги «Каркидон» сув омбори ҳудудида барпо этилган янги туризм мажмуасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Техникумлар инновация марказларига айланмоқда

Давлатимиз раҳбари Кува туманидаги 1-техникумда ёшларни замонавий касблар ва хорижий тилларга ўқитиш ишлари билан танишиб, касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди, уларнинг ўқиши ва келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Мажмуа водийнинг ташриф қозоғига айланади

Президент Шавкат Мирзиёев Марғилон шаҳридаги «Бурҳониддин Марғинович» илмий-маърифий ва туризм мажмуасида барпо этилган маданият ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Икки кунлик сафар давомида туман ва шаҳарларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, саннат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар билан танишиш режалаштирилган.

Шунингдек, Президентимиз Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича навбатдаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи тафсилотлари билан батафсил танишиб бориш учун «Ishonch»нинг Телеграмдаги саҳифасига ўтинг:



Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
28-aprel,
seshanba
№50
(5270)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Халқаро ҳамкорлик

МИНТАҚА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА



Қуйдаги QR кодни сканер қилинг ва анжуман тафсилотлари билан ishonch.uz сайти орқали тўлиқ танишинг:



2021 йил ноябрь ойида пойтахтимизда Қозоғистон касба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгашининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтган эди. Шу вақтга қадар Кенгаш ўзини ҳаётий ва нуфузли минтақавий тузилма сифатида намоён этди. Унинг ривожланиш ва шаклланиш даври меҳнатқашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ягона ёндашувларга эҳтиёж борлигини кўрсатди.

27 апрель куни кенгаш аъзолари яна Тошкентда йиғилишди. Унда

Кенгашга аъзо бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғиз Республикаси, Мўғулистон миллий касба уюшмалари марказлари мутасаддилари раҳбарлигидаги делегациялар иштирок этди. Шунингдек, йиғилишда Туркменистон касба уюшмалари Миллий маркази делегацияси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти вакиллари, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг худудий кенгашлари ҳамда тармоқ касба уюшмалари Республика кенгашлари раислари, Федерация аппарати масъул ходимлари, тасаруфдаги ташкилотлар раҳбарлари ва

оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Анжуманни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов очиб берди. У умумий йиғилишнинг тарихий аҳамиятига тўхталар экан, Кенгаш ижтимоий мулоқот учун самарали майдонга айлангани, унинг фаолияти Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Халқаро касба уюшмалари Конфедерацияси томонидан юқори баҳолангани, улар минтақавий бирлашмани Марказий Осиёдаги ишончли ҳамкор сифатида кўришини таъкидлаб ўтди.

2-3 >>



«Сув парилари» – ТОШКЕНТДА



Шу кунларда Тошкент шаҳри яна бир нуфузли халқаро спорт мусобақасига мезбонлик қилмоқда.

Олимпия шаҳарчасидаги сув ҳавзасида синхрон сузиш бўйича «Сув париси – 2026» очик халқаро турнири бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, «Uzbekistan aquatics» федерацияси ва Спорт вазирлиги ушбу турнир ташкилотчилари ҳисобланишади.

Унда ҳамюртларимиздан ташқари, Россия, Қозоғистон ва Беларусь давлатларидан синхрон сузиш усталари ҳам иштирок этишмоқда.

Ўз мухбиримиз

Тақвим

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан НЕЧА КУН ДАМ БЕРИЛАДИ?

Президентимизнинг 2025 йил декабрда имзоланган фармони асосан, 2026 йилда ҳафтасига 5 кун ишлайдиган ходимлар учун 11 май – душанба куни кўчирилган дам олиш куни сифатида белгиланган. Бойси бу йил 9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрами ҳафтанинг шанба кунига ўтгери келмоқда.

Ҳафтасига 5 кун ишлайдиганлар шунда кетма-кет 3 кун дам олади:

– 9 май, шанба – одатий дам олиш куни;
– 10 май, якшанба – одатий дам олиш куни;
– 11 май, душанба – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан кўчирилган дам олиш куни.

Ҳафтасига 6 кун ишлайдиганлар эса кетма-кет 2 кун дам олади:

– 9 май, шанба – Хотира ва қадрлаш куни – ишланмайдиган дам олиш куни;
– 10 май, якшанба – одатий дам олиш куни.

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.
Алишер НАВОЙЙ

МИНТАҚА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

<< 1

Шундан сўнг йиғилиш кун тартиби тасдиқланиб, тўққизта масала навбат билан кўриб чиқилди.

Дастлаб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг Мўғулистон касаба уюшмалари Конфедерациясининг мурувжати ҳақидаги маърузаси тингланди.

Иккинчи масала – Марказий Осие мамлакатларида миллий уч томонлама ижтимоий мулоқот амалиёти ҳақида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш департаменти бошлиғи Маҳмуджон ИСАЕВ сўзга чиқди:



– 2023 йилда янги тахрирда қабул қилинган Меҳнат кодекси мазкур соҳадаги ислохотлар учун ҳуқуқий пойдеворни мустаҳкамлади, – деди у. – Энг муҳими, ижтимоий-меҳнат масалаларида энди фақат марказда эмас, балки ҳудудий, тармоқ ва ҳатто корхона даражасида ҳам кўриб чиқиладиган тизим шаклланди. Бу эса қарорлар жойлардаги реал вазиятдан келиб чиқиб қабул қилинишига замин яратди.

Комиссия таркибиде ҳукумат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар тенг асосда иштирок этаётгани ҳам назарий жиҳатдан манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади. Бандлик, иқтисодиёт, молия, соғлиқни сақлаш каби асосий соҳалар раҳбарларининг жараёнга жалб этилгани эса қабул қилинаётган қарорларнинг амалий аҳамиятини оширади. Аммо масаланинг энг муҳим жиҳати – қабул қилинаётган қарорлар ва келишувларнинг мазмунида. 2025 йил 1 ноябрда имзоланган 2026–2028 йилларга мўлжалланган Бош жамоавий келишув ана шу нуқтаи назардан муҳим ҳужжат ҳисобланади. Унда ишчи ва иш берувчи манфаатларини уйғунлаштиришга қаратилган қатор нормалар белгилаб қўйилган.

Алоҳида эътиборга молик масалалардан яна бири – меҳнат бозоридеги реал ҳолат. Норасмий бандликни қисқартриш, ишсизлик даражасини назоратда ушлаш, ҳар йили юз минглаб фуқарони қайта тайёрлаш каби вазифалар белгиланган. Бу рақамлар ортда эса оддий инсонлар тақдири, oilавий даромад ва ижтимоий барқарорлик масаласи ётади.

Қозоғистон касаба уюшмалари Федерациясининг Маърузачиси Ғайрат АЙБЎСИНОВ мавзу юзасидан ўз давлатидеги тажрибалар билан ўртоқлашди:



– Қозоғистонда ижтимоий шериклик тизими мустаҳкам қонунчилик асосида йўлга қўйилган бўлиб, давлат, иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасидаги муносабатлар барқарор механизмга айланган. 2024–2026 йилларга мўлжалланган Бош келишувда касаба уюшмалари ташаббусларининг 80 фоиздан ортиги инобатга олинган ва бу ҳужжат асосида 23 та тармоқ ҳамда 20 та ҳудудий келишувлар амалга оширилди. Шунингдек, жамоавий шартномалар «Корхонанинг кичик конституцияси» деб аталиб, сўнгги йилларда уларнинг сони 40 фоизга ошиб, қамров 98 фоизга етди. Айниқса, кичик ва ўрта бизнесда сезиларли ўсish кузатилмоқда.

Маош сиёсати ҳақида тўхталадиган бўл-



сак, 2024 йилда минимал иш ҳақини белгилашнинг янги методикаси жорий этилди. Бюджет соҳаси ходимлари маоши ҳар йили тахминан 25 фоизга оширилмоқда. Шу билан бирга, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг минимал иш ҳақи тўғрисидаги 131-конвенцияси ратификация қилингани ҳам бу борадаги муҳим қадам бўлди. Навбатдаги вазифамиз иш ҳақини инфляцияга мослаб ошириб бориш, жамоавий шартномалар қамровини кенгайтириш ва ижтимоий келишувлар ижросини рақамли мониторинг қилишдан иборатдир.

Масала юзасидан сўз олган Қирғизистон касаба уюшмалари делегацияси вакили Бахтигул ДАУТАЛИЕВА фикрлари ҳам йиғилиш иштирокчилари учун қизиқarli бўлди:



– Қирғизистонда ҳам иш берувчи, ҳукумат ва касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик анча жонланган, – дейди у. – Яқинда биринчи қўшма бизнес лойиҳамиз ишга туширилди. Ташаббус Талас шаҳридан бошланиб, барча минтақавий марказларни қамраб олади. Унда уч томонлама келишув, бизнес билан тўғридан-тўғри икки томонлама шартномалар тузилади ва бу янги ижтимоий мулоқотимиз асосини ташкил этади. Лойиҳа шу тариқа касаба уюшмалари, давлат ва иш берувчиларни стратегик ҳамкорга айлантирмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йили меҳнат соҳасидаги асосий ютуқларимиздан бири қонун билан мустаҳкамланди. У «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги конвенциянинг ратификация қилиниши бўлиб, бандлик агентликлари хизматлари энди фуқаролар учун мутлақо бепул. Ҳолат тегишли вазирлик қoшидаги Бандлик маркази орқали назорат қилиниб, лицензияланади ва фуқароларнинг чет элга хавфсиз ишга кетишини таъминлайди.

Шундан сўнг Марказий Осие мамлакатларида қулай психологик-ижтимоий меҳнат шартноларини яратишда касаба уюшмаларининг роли масаласи ҳам қизгин муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, ҳар йили 28 апрель санаси барча мамлакатларда Бутунжаҳон

меҳнатни муҳофаза қилиш кунини сифатида нишонланади. Одатда ушбу кун шiori Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан белгиланади. Бу йил Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини «Соғлом психологик-ижтимоий меҳнат муҳитини таъминлайлик» шiori остида ўтказилмоқда. Ушбу кун доирасида ўтказилаётган тадбирларда психологик-ижтимоий хавфлар: иш жойида стресс, чарчоқ, зўравонлик ва таъқибларга қарши курашиш, иш ҳажминини меъёрлаштириш, руҳий хотиржамлик ва ҳиссий хавфсиз муҳитни яратиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакили Нодира ҒОИБНАЗАРОВА бу ҳақда қўйидагиларни айтиб ўтди:



– Ўзбекистонда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати ишлаб чиқариш натижаларидан кўра, аввало, ходимнинг ҳаёти ва соғлигини устувор қўйиш таъминлига асосланади. Сўнгги йилларда тизим фақат оқибатларни бартараф этишдан эмас, балки меҳнат хавфларини олдиндан бошқариш йўналишига ўтган. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини янгиланган Конституцияда, янги тахрирдаги Меҳнат кодекси ҳамда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ушбу тизимнинг муҳим бўгини сифатида жамоатчилик назоратини амалга оширади. Корхоналарда сайланган ваколатли шахслар деҳларда эркин текширув ўтказиш ва қонунбузилишларни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Навбатдаги Марказий Осие мамлакатлари касаба уюшмаларининг платформа иқтисодиётидаги мавқеини шакллантириш мавзуси муҳокамаси ҳам фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Хусусан, унда

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари БАХТИЁР МАҲМАДАЛИЕВнинг маърузаси тингланди.



Маълум қилинишича, 2026 йил июнь ойида Халқаро меҳнат Конференциясининг 114-сессияси бўлиб ўтади. Унда платформа иқтисодиётида муносиб меҳнат, иш жойида гендер тенглик, шунингдек, ижтимоий мулоқот ва уч томонлама ҳамкорликка тааллуқли масалалар муҳокама этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, платформали бандлик бўйича Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияси ёки тавсияси қабул қилиниши кутилмоқда.

Марказий Осие мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши умумий йиғилишида платформали бандлик соҳасига оид барча масалалар, шу жумладан, мавжуд хавфлар батафсил муҳокама этилди. Бу соҳада Марказий Осие мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши баёноти ишлаб чиқилгани, кейинчалик ушбу баёнот Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясига расман тақдим этилиши билдирилди.

Муҳокамалар домида «Марказий Осие мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши Марказий Осие мамлакатлари касаба уюшмалари Конфедерациясига айлантириш ва устави тасдиқлаш» масаласи кўриб чиқилди.

Илгарироқ Марказий Осие мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг доимий апа-

ратга эга тузилмага айлантиришга келишиб олинган эди. Шу асосда Кенгашининг доимий штаб квартирага эга халқаро тузилма сифатида ташкил этиш аниқ муддао бўлди. Кенгашининг Конфедерацияга айлантириш масаласи бўйича делегация аъзолари сўзга чиқиб, ташаббусни қўллаб-қувватладилар.

Сотиболди ДАУЛЕТАЛИН, Қозоғистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси раиси:



– Бугун барча асосий масалалар ва далиллар атрофида муҳокама қилинди. Агар орта назар ташласак, Конфедерация тузиш гоёси бугун пайдо бўлган эмас. Сўнгги беш йил давомида бу йўналишда тизимли иш олиб борилди ва мустаҳкам пойдевор яратилди. Ўтмишга назар ташласак, илгари ҳатто раҳбарлар даражасида бундай учрашувларни ташкил этишнинг ўзи мушкул эди. Қандайдир тузилма яратиш у ёқда турсин, мулоқотнинг ўзи чекланган. Бу учрашув эса эришган ютуқларимизнинг нақадар аҳамиятини эканини яна бир бор кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, айтиш мумкинки, Конфедерация тузиш гоёси бугун тўлиқ шаклланиб ва ҳаётини асоса эга. Ўтган йиллар давомида орттирилган тажриба ва амалий натижаларни албатта ҳисобга олишимиз лозим.

Муратил ЖУМАДИЛЛЕ ўғли, Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси:



– Конфедерация аллақачон ўз даражасида, мамлакатлар ўртасидаги мулоқот сифатида фаолият юритаётгани бугунги давлат раҳбарларимизнинг ҳам катта ютуғидир. Ва мен Кенгашининг Конфедерацияга айлантириш ташаббусини қўллаб-қувватлайман.

Яна шунини таъкид қилмоқчиманки, биз ўтказган танловлар сақланиб қолсин. Яъни, «Ешларга энг яхши иш берувчи», «Энг яхши жамоа шартномаси» каби лойиҳаларимизни бардавом қилайлик. Сабаби, улар рағбатлантирувчи кучга эга бўлиб, айниқса, жамоа шартномалари ва иш берувчиларни қўшма мулоқотга жалб қилиш ҳақида гапираётган бир пайтимизда жуда зарур.

Исмоил ФАЙЗИЗОДА, Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари:



– Бугун барчамиз Марказий Осие минтақасидаги касаба уюшмалари ҳаракатида тарихий воқеанинг гувоҳи ва иштирокчисимиз. Ҳозиргина илк бор Марказий Осие мамлакатлари касаба уюшмаларини Марказий Осие мамлакатлари касаба уюшмалари Конфедерациясига айлантириш бўйича таъкид илгари сурилди. Мазкур ташаббусни ўз вақтида ва долзарб, деб ҳисоблайман. Ушбу Конфедерация яқин келажақда Марказий Осие касаба уюшмаларининг жиғлашуви ва бирлигини мустаҳкамлашда, меҳнаткаш ин-

сонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, шунингдек, уларнинг халқаро майдондаги мавқеини кучайтиришда ўз самарасини бера бошлайди.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, ҳар бир юридик шахс ўз фаолиятини тартибга солувчи уставга эга бўлиши лозим. Шундан келиб чиқиб, биз ушбу Конфедерация уставини қабул қилишимиз зарур.

Шу тариқа янги Конфедерациянинг уставини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор бир овоздан маъқулланди.

Айтиш лозимки, бу қадам билан қақатгина тузилма номи ўзгарибгина қолмай, балки минтақа касаба уюшмалари ҳаракати тарихида янги саҳифа очилди.

Сергеюс ГЛЮВАЦКАС, ХМТнинг меҳнаткашлар фаолият бўйича Бюроси (АСТРАВ) Европа ва Марказий Осие сектори муdiri:



– Мен расмий баҳо бериш ваколатига эга эмасман, бироқ эксперт нуқтаи назаридан бугунги тадбирда кўтарилган масалаларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Бундан тахминан ўн йиллар илгари Олмаотада бўлиб ўтган йиғилишни эслайман. Ушанда барчамиз бир савол устида ўйлаган эдик: «Биз аслида нега бу ерда тўпландик? Нега Москва, Женева ёки Брюсселда эмас?» У пайтда умумий стратегия ва ягона йўналиш тўлиқ шаклланиб улгурмаган эди-да. Бугун эса вазият тубдан ўзгарди. Марказий Осие мамлакатларининг янада бирлашишига, бирликлари ҳамкорлик қилишга эҳтиёжи кучайди.

Кеча Ислон цивилизацияси марказига ташриф чоғида менда яна бир бор қатъий ҳулоса шаклланди: Марказий Осие ҳақида кўп ҳолларда асосиз ва бирёқлама қарашлар мавжуд. Аслида эса бу минтақа жаҳон цивилизацияси ривожига бекис ҳисса қўшган, илмий, маданий ва интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ҳудуддир.

Дунёнинг турли минтақаларида, жумладан, айрим Африка ҳудудларида ҳам ташкилотлар фаолият юритади. Бироқ Марказий Осие учун ўзаро ҳамкорлик аллақачон заруратга айланган. Айниқса, ҳозирги мураккаб геосийосий вазиятда ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал этишни айнан минтақавий даражада амалга ошириш муҳим деб ўйлайман.

Адьяа ГОРЧИНСУРЭН, Мўғулистон касаба уюшмалари Конфедерацияси фахрий президенти:



– Мўғулистон касаба уюшмалари учун Марказий Осие давлатларининг тажрибасини ўрганиш жуда зарур ва фойдали. Сабаби, сўнгги йилларда мамлакатимизда торкон саноати ва қурилиш соҳаси жадал ривожланмоқда. Унда қўллаб-қувватлаш зарур. Шундай бўлса, биз уларнинг саломатлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлашни истаймиз. Мўғулистон касаба уюшмалари 120 йиллик тарихга эга бўлиб, сўнгги йилларда янги ривожланиш даврига қадам қўймоқда ва бу жараёнда меҳнатни муҳофаза қилиш борасида янги тажриба ва методикаларга эҳтиёжимиз бор. Шунинг учун Кенгашининг Конфедерацияга айлантирилгани тўла қўллаб-қувватлайман.

Ҳаёт мен учун эриб тугаётган шам эмас. У менинг қўлимга бир лаҳзага берилган ва мен уни келажак авлодга тутқишидан олдин мумкин қадар ёруғроқ аланга олдиришга мажбур этишим керак бўлган аллақандай ажиб машғалдир.

Бернард ШОУ

ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА



Сўнгра «Марказий Осиё мамлакатлари касабга уюшмалари Конфедерацияси Бош котибини сайлаш тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Сўзга чиққанлар Марказий Осиё мамлакатлари касабга уюшмалари Конфедерацияси Бош котиби этиб Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Мирсоатович Рафиқовни сайлаш таклифини илгари сурдилар.

Таклиф бир овоздан қабул қилиниб, Қудратилла Рафиқов Марказий Осиё мамлакатлари касабга уюшмалари Конфедерацияси Бош котиби этиб сайланди.

Умумий йиғилиш давомида Марказий Осиё мамлакатлари касабга уюшмалари Конфедерацияси

Бош кенгаши ва унинг таркиби сайланди, Конфедерациянинг Ижроия қўмитаси таркиби тасдиқланди. Шунингдек, «Марказий Осиё мамлакатлари касабга уюшмалари Конфедерациясининг ишчи аппаратини тузиш, унинг штатларини тасдиқлаш ва молиялаштириш манбаини белгилаш тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Ислон цивилизацияси марказида ҳам бўлишди. Бу ердаги бой маънавий мерос уларда катта таассурот қолдирди.

Гулрухбегим ОДАШБЕКОВА,
Зебо НАМОЗОВА,
Феруза РАҲИМОВА,
«Ishonch» мухбирлари



Тадбир тафсилотлари акс этган видеоконтентни «Ishonch»нинг Телеграмдаги саҳифасида томоша қилинг:



Мозийга қайтиб...



Ҳамкорлик мустақамланган лаҳзалар

«Ishonch» газетасининг 2021 йил 11 ноябрдаги сониди ўқинг:



ДЎСТЛИК, БИРОДАРЛИК ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуасида мини-футбол бўйича «Марказий Осиё мамлакатлари касабга уюшмалари Конфедерацияси кубоги» мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ва Тожикистон касабга уюшмалари жамоалари иштирок этди.

Дастлабки кун баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

Қозоғистон – Қирғиз Республикаси – 2:3

Ўзбекистон – Тожикистон – 3:2

Қозоғистон – Тожикистон – 6:2

Ўзбекистон – Қирғиз Республикаси – 3:0

Биринчи кун беллашувлар якунига кўра, Ўзбекистон ва Қозоғистон жамоалари финалда тўп сурадиган бўлишди.

Финал ўйини концерт дастури билан бошланди. Футзалчилар муסיқа садолари остида майдонга кириб келишди. Сўнгра ҳар икки давлат мадҳиялари янгради.

Учрашувни ўзбек футболнинг яқин ўтмишидаги ёрқин вакиллари билан, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, XII Езги Осиё ўйинлари голиби, бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, «Шухрат» медали соҳиби Шухрат Мақсудов бошлаб берди.

Ўйин мурасасиз, аммо дўстона руҳда кечди. Ҳаяжонли дақиқалар узок давом этди. Ҳар икки жамоа вакиллари бор маҳоратларини ишга солишди. Ниҳоят, пенальтилар сериясида битта гол юртдошларимизга 7:6 ҳисобида ғалаба келтирди. Иккинчи ўрин Қозоғистон вакиллари, учинчи ўрин Қирғиз Республикаси жамоасига насиб этди.

– Жамоамиз билан яхши ўйин кўрсатдик, деб ўйлайман. Асосий мақсадимиз биринчилиكنи олиш эди. Аттанг, омад етишмади, – дейди қозоғистонлик Дониёр Кенжакулов. – Мухими, ғалаба эмас. Ўйин асоси ўзбек, қирғиз, тожик ҳамкасбларимиз билан дийдорлашдик.

– Чемпионликни қўлга киритиш осон кечмади, – дейди юртимиз шарофини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиздан Ғайрат Исмоилов. – Тан олиш керак, рақиб жамоа жуда кучли экан. Аммо пенальтилар серияси

бизга ғалабани тақдим этди. Айтиш лозимки, бу мусобақа анъанавий бўлиб, ҳар йили Марказий Осиё давлатларида навбати билан ўтказилади. Ўтган йилларда биз барча турнирларда чемпион бўлганмиз, фақат бир марта иккинчи ўринни қўлга киритганмиз. Ўз уйимизда ўтган мусобақада ҳам бош совринга эга чиққанамиз бизга гурур бағишлайди.

Турнир ниҳоясида барча иштирокчилар медаль ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Голиб жамоага эса «Марказий Осиё мамлакатлари касабга уюшмалари Конфедерацияси кубоги» тантанали тарзда топширилди. Шунингдек, «Энг чиройли ўйин кўрсатган жамоа», «Энг яхши техник маҳорати учун», «Энг яхши тўпурар», «Энг яхши дарвозабон» номинациялари голиблари ҳам аниқланди ва улар ташкилотчиларнинг махсус совринларини қўлга киритишди.

Мазкур мусобақа нафақат спорт



беллашуви сифатида, балки Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустақамлашга

хизмат қилгани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Ўз мухбиримиз

«Марказий Осиё мамлакатлари касабга уюшмалари Конфедерацияси кубоги» дўстлик мусобақаси



сайтида ҳам кенг еритилди.

Қуйидаги QR код орқали батафсил танишинг:



Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар

Бир одам учун эмас, балки ҳамма одамларнинг фароғатини кўзлаш ҳамisha муҳим масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Лев ТОЛСТОЙ

ИШИНГИЗ ЯХШИМИ?

Ҳар бир инсон ҳаётининг катта қисми меҳнат жамоаларида ўтади. Шунинг учун ҳам иш муҳити хавфсиз, қулай ва энг муҳими, соғлом бўлиши долзарб аҳамият касб этади. 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазат қилиш кунини шу масалага эътибор қаратишга, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг саломатлигини сақлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда меҳнатни муҳофазат қилиш тушунчаси фақат жисмоний хавфсизлик билан чекланиб қолмапти. Иш жойидаги психологик ва ижтимоий муҳит ҳам меҳнат шариоитининг ажралмас қисмига айланган. Чунки жамоадagi руҳий босим, стресс, тушкунлик ёки адолатсизлик каби ҳолатлар ходим саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазат қилиш кунини муносиб нишонлашга қаратилган қарор асосида қарор



тор тадбирлар амалга оширилмоқда. Худудий ташкилотларда семинарлар, давра суҳбатлари, маърифий учрашувлар ташкил этилмоқда. Бундан қўзланган мақсад – меҳнатни муҳофазат қилиш маданиятини юксалтириш, хавфсиз ва қулай шарт-шароитларни таъминлаш ва соғлом психологик-ижтимоий муҳитни шакллантиришдан иборат.

Соғлом психологик-ижтимоий иш муҳити бу ходим хурмат қилинган, қўллаб-қувватлан-

Меҳнат муҳофазаси

ган ва хавфсиз ҳис қиладиган шароитдир. Бундай муҳитда адолат ва тенглик таъминланади, ходимлар ўз фикр ва таклифларини эркин билдириши мумкин, раҳбарият қарор топади, стресс ва руҳий босим даражаси минимал бўлади. Салбий муҳит эса, иш унумдорлигини пасайтиради, ходимлар соғлиғига зарар етказиши, жамоада низо-ларни кучайтиради ва кадрлар алмашинувини кўпайтиради. Бундай ҳолат ташкилот ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун соғлом муҳитни шакллантиришда раҳбариятнинг очик ва адолатли бошқаруви, ходимларни тинглаш маданияти, иш юкламаси оқилона тақсимланиши ҳамда жамоада ўзаро хурмат ва қўллаб-қувватлаш муҳитини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

«Ишингиз яхшими?» деган оддий савол ортда инсоннинг ҳаёт сифати, саломатлиги ва руҳий ҳолати мужассам. Шу боис ҳар бир ташкилот ва ҳар бир раҳбар ўз жамоасида соғлом, адолатли ва хавфсиз иш муҳити яратишни устувор вазифа, деб билиши зарур.

Илхом ҲАЗРАТҚУЛОВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофазат қилиш бўйича бош мутахассиси

Маърифат



Исмадиёр айвонда ҳиқ-ҳиқ йиғлаётган кўнғирқосоч синглисини юпатмоққа шошилди. У Мехрибоннинг «Йўлчини ўлдириб қўйишди!» деган сўзлари маънисига етмаётганди. Хавотирини хонтахта устидаги 10-синф ўқувчиларига мўлжалланган адабиёт хрестоматияси аритди.

Нарҳот, эндигина биринчи синфни тугатган синглисини «Кут-луг қон» романининг қисқартирилган талқинини ўқиган бўлса? «Йўлчи аслида йўқ, уни ёзувчи тўқиб чиқарган», дея таскин берди жигарига. Тушликда эса ука ва синглиларига тайинлади: «Қўлга бунақа китоб берманглар!».

Эртаси кун Исмадиёр Мехрибонга «Миттвий ва томда яшовчи Карлсон»ни тутқазди. Саводини чиқариши билан адабиётнинг мафтунига айланган қизалоқ бу киссани уч кунда ўқиб тугатди. Навбат уй жавонидаги китобларга келди. Кейин мактаб кутубхонасига «хўжум» бошлади.

Узвукун китоб ўқишлари ота-онасини кўриктари: «Ҳардамхаён бўлиб қолмасмикин?». Оила қизалоқни адабиётдан узоқлаштириш чораларини қидиради. У эса тақиқларга мос режа тўзди. Улгайса, кутубхоначи бўлади, ана шунда ҳеч ким мутлола қилишини чеклай олмайди...

Мехрибоннинг ижодий салоҳияти болалигидан сезилган. Бинобарин, 5-синфдалигидек шеър ва ҳикоялар қоралаб, туман газетасига жўнатган. Аммо ёзганлари чоп этилмади, бу ундаги иштиёқнинг сўнишига сабаб бўлди.

Кейин кўшиқчилик орзусида ёна бошлади. Зеро, кўнғирқосоч овози бор, мактаб тадбирлари унинг чиқишларисиз ўтмайди. Вояга етгач, актриса бўлмоққа ниятланди. Эплашига барча ишонарди. Ўқувчилар тугул, ҳатто муаллимлар юзига тик қарай олмайди-ган директор отасини ҳам кўндирганди.

Афсуски, Ваҳриниса опаси барчанинг фикрини ўзгартириб юборди: «Театр институтига жўнатманг, оиламиздан артист ё кўшиқчи чикса, эл орасида қандай бош кўтариб юрамиз!». Қисқиси, Тошкент сур тили ва адабиёти институтига сиртдан кирган 17 ёшли Мехрибон ўзи таълим олган Зомин туманининг Тигирчи қишлоғидаги мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс бера бошлади.

Қаҳрамонининг улуг ниятлар қилишдан тўхтамади. Аммо тақдирнинг унга атаган кутулган соғвалари бор эди. Жумладан, 18 ёшида бир оилага келин бўлди.

У бу гўшадаги ҳаётини надомат билан эслайди. Содда эди, теварагида юз бераётган воқеаларга бадий адабиёт

улуғлайдиган юксак мезонлар асосида баҳо беради. Шу боис 41 киши истиколат қиладиган хонадонда ўзини ёлғиз ҳис қилди. Оила учун ҳам таъсирчан, бадий асарлар завқи билан яшагучи келин тушунқисиз эди, дунёқарашлардаги фарқ пайди бераётганди.

Айни шу жиҳат у билан бир мактабда ишлайдиган турмуш ўртоғининг суянч бўлмоққа уринишларини ҳам барбод қилаётганди. Аслида дили биро дағал бўлганида, кўрган ва эшитганларини кўнглига олавермаганида ҳаммаси жойига тушиб кетарди. Яна у билмасдики, нафис қалбини кемираётган ўша воқеалар келажакда биттадиган асарлари сюжетига айланади.

Қисқиси, юрагидаги дарду армонлар шу даражада жунбишга келдики, дафтарларга шеър бўлиб тўқила бошлади. 1989 йилда Мехрибон Абдурахмонова ёзганларини вилоят газетасига олиб борди. Таҳририятнинг ўша пайтдаги адабиёт бўлими муҳаррири Султон Пўлатов муаллимнинг қораламаларини ўқигач, ижодига қисқасига «Мўъжиза» дея баҳо берди. Кўп ўтмай, «Баҳор» номли шеъри чоп қилинди. Ана шу рағбат ўқитувчини ижод қилмоққа, вилоятнинг шоир ва ёзувчилари даврасига қўшилмоққа ундади...

1990 йили Тошкентда ўтган ёш ижодкорлар семинарида асарлари ижодий баҳоланди. Айниқса, «Зайнаб нола» шеъри бадий ангилек сифатида эътироф этилди. Зеро, шоира кундошини захарлаган Сайнабни вазият қурбони сифатида оқлашга уринганди.

Энди у тўхтовсиз ёзар, ўйлари, қувонч ва завқларини, дардларини сатрларга сингдиргани сайин руҳи ором

оларди. Бирин-кетин китоблари чоп қилинди. Чунончи, 2000 йил «Эшик олди гулхайри», 2006 йилда «Оқ шомлар кўшиғи» босмадан чиқди.

Ҳаёти буткул ўзгарганди. Вилоят ёзувчилар уюшмаси ташкил қилган анжуманларда, адабий тўғарақда фаол қатнаша бошлади. Турли тадбирларда ашёрларни янграр, кўнғилларни забт этарди. Дарҳақиқат, унинг шеърлари ўзига хос, масъумлиги билан ҳайратингизни оширади.

Ох, нечун афсус ва надомат, Ох нечун – дунёнинг горати? Тавбага чоғланган руҳимдан ўсади фаришта қаноти...

Мехрибон Абдурахмонова журналистикада ҳам ўзини синиб кўрган. Жумладан, иккита босма нашрда ишлади. Бу жараён қаҳрамонининг қалами янада чархланиши, насрий асарлар ёзиш қобилияти юзага чиқиши учун туртки бўлди. Айниқса, «Келажак бунёдкор» газетасини бошқарган йиллари публицистик мақола ва очерклар битиш ҳадисини олди.

У адабий муҳит маркази бўлиши пойтахтдан йироқда яшаса-да, Тоҳир Малик, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиёва каби адабиётимиз даргаларининг эътиборига тушди. Насрий асарлари ҳам китобхонлар томонидан илиқ қабул қилинди. Бунинг сирин оддий одамларнинг ҳаёт фалсафаси, қарама-каршиликлардан иборат дунёни англаш уринишлари ҳамда руҳий исён ва тўғёнларни моҳирона акс эттира олганида бўлса, ажаб эмас.

Ҳа, шеър, эссе, ҳикоя, қисса ва романлардан иборат 8 та тўпلام ва сайланмалар муаллифи, «Шухрат» медали соҳиби Мехрибон Абдурахмонованин ижоди баҳраманд бўлмоққа

арзийди. Айтганча, у 2015 йилдан буюн Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлимини бошқариб келмоқда.

Шу маънода, мақоламини қаҳрамони адабий жараёнлар аввалида бўлишига интилади. Жумладан, унинг ташаббуси билан «Жиззах адаблари» номи остида 200 га яқин ижодкор асарлари жамланган 3 та тўпلام нашрдан чиқарилди.

Бу китоблар нафақат бугунги қалам аҳли, балки Қози Поянда Зоминий, Шермухаммад Жиззахий Урғули Ҳозонлий сингари XVI-XIX асарларда яшаган, ижоди кўпчилинка номаълум бўлган 10 нафар шоир асарларини китобхонларга тақдим этиш имкониятини берди. Ҳозирда тўртинчи тўпلام устида иш кетаяпти, мазкур китобта ёш қаламкашларнинг асарлари киритилди.

Мехрибон Абдурахмонова яқинда Жиззах кўзғолонида оид «1916» романини ёзиб тугатди. Халқни исёнга ундаган сабаб ва омиллар, оозлик йўлида чекланган аламлар, миллат бошига тушган қулфатлар ҳамда муҳаббатдан сўйлагувчи ушбу асар тез кунларда омма диққатига ҳавола қилинади.

Айтиш мумкинки, ёзувчининг барча ниютлари, жумладан, болалик орзулари рўёбга чиқмоқда. Ушалмай қолганларини фарзандлари амалга оширяпти. Қизи консерваторияда ўқиди, опера қўйлайди. Уғилларидан бири сиёсатшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб борляпти. Оиладан фақат кутубхоначи чикмади, аммо йиққан китоблари бир кутубхонага жой бўлгулик...

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Саёҳат

Кўҳна кентдаги янгиликлар

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган кўмитаси томонидан Маданият ва санъат ходимлари куни муносабати билан 54 нафар соҳа ходими Хоразм вилоятига бепул саёҳатга юборилди.

Хива шаҳрининг тарихи ва маданий мероси саёҳатчиларда бир олам таассурот қолдирди.

– Касб байрамимизни кўҳна кентда нишонладик. Биз, соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаятган касба уюшмаларига миннатдорлик билдирамыз, – деди Марғилон

шаҳри Маданият бўлими режиссёри Дилором Султонова.

Манзураҳон АКРАМОВА,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган кўмитаси раиси

Заковат

ТАФАККУР МАЙДОНИДА КИМЁГАРЛАР

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси тизимидаги корхоналар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинининг республика босқичи ўтказилди.

7-та жамоа иштирок этган баҳсларнинг натижаларига кўра, 1-ўринни «Навоийазот» АЖ жамоаси кўлга киритиб, диплом, 10 миллион сўм пул мукофоти ва кубок билан тақдирланди. 2-ўрин «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ ХК жамоасига насиб этди. Улар 8 миллион сўмлик мукофотга сазовор бўлишди. 3-ўринни эгаллаган «Қизилқум фос-

форит комплекси» АЖ жамоаси эса 6 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, барча иштирокчи жамоаларга эсдалик совғалари топширилди.

Шавкат ТОИРОВ,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Спартакиада

СПОРТГА ОШНО ОИЛАЛАР

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёш ишчи-хизматчиларини соғлом турмуш тарзига йўналтириш ҳамда спорт турлари билан мунтазам шуғулланишга оммавий жалб қилиш мақсадида Тошкент тиббиёт университети спорт мажмуасида «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» шиори остида спартакиада ўтказилди.

Унда иштирокчилар спортнинг югуриш, акробатика, тўпни нишонга отиш, чаққонлик ва мерганлик, кўпкураш турлари бўйича ўзаро беллашди.

Жами 10 та оилавий жамоа иштирок этган мусобақа кўтаринки ружда ва муросасиз ўтди. Яқинда голиб ва совриндорлар қимматбаҳо совға ҳамда дипломлар билан тақдирланди-

лар. Шунингдек, барча қатнашчиларга эсдалик совғалари, болажонларга эса Халқор болалар кунига бағишланган томошаларга чипталар тарқатилди.

Нодира ШАМСИЕВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

Беллашув

УЛАР ҒОЛИБЛАР САФИДА

Жиззах шаҳридаги «Ёшлар маркази»да таълим тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 35 ёшгача бўлган йиғит-қизлар ўртасида шахмат, сузиш ва теннис бўйича спорт мусобақаси ўтказилди. Унда 200 нафарга яқин ёшлар иштирок этди.

Мусобақада ЖДПУ вакиллари ҳам фаол иштирок этишди ва ғолиблар сафидан жой олишди. Жумладан, шахмат бўйича Физика ва технология таълим факультети деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Миржалол Йўлдошев 1-ўринни эгаллади. Университет ўқитувчиси Ҳанифа Мамарасулова 2-ўринни кўлга киритди. Сузиш мусо-

бақаларида эса Лутфулла Файзуллаев 2-ўрин соҳиби бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жаҳонгир МАЖИДОВ,
Жиззах давлат педагогика университети касба уюшмаси кўмитаси раиси

* * *

ЧАҚҚОНЛИК, МАҲОРАТ ВА БИРДАМЛИК

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамкорлигида ёшлар ўртасида сузиш, бадминтон, шахмат ва стол теннис бўйича мусобақа ташкил этилди.

Муросасиз баҳсларда 70 нафарга яқин талаба-ёшлар ҳамда касба уюшмаси соҳаси вакиллари қатнашиб, ўз маҳорати, чаққонлиги ҳамда спортта бўлган интилишини намоян қилишди.

Яқуний натижаларга кўра, ҳар бир спорт тури бўйича 8 нафардан иштирокчи 1, 2- ҳамда 3-ўринларни эгаллашди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Фаол иштирокчилар ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Азизбек НУРИМОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Шерали Жўраев ижросида «ОНА ТУРКИСТОН» кўшиғи

...Ўзбек, қирғиз, қозоқ – сартимсан, Уйғур, тотар, туркман – туркимсан, Тўзжик – оғам, озор – Ўғузсан, Бир Онадан тарқадангансан.

Қаддинг кўтар, Она Туркистон! Йиллар ўтар, қара, Туркистон!

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahririyatining qiziqarli raqamini qabul qilish uchun

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqsim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira GOYIBZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 888-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV

Musahhirlar: Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 23:20
Topshirishi – 23:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 230 ta
Shundan: 6 558 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 471 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-41**

1 2 3 4 5 6